

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Холиқов, М.Мелиқўзиева	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
И.Сиддиқов	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
И.Рахимов	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
Ф.Абдулбоқиев	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
М.Саидакбарова	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
Я.Нишанов	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
Г.Қосимова	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
Г.Орипова	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
Ш.Каримова	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
Э.Ибрагимова	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
Д.Рустамов	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
Г.Розиқова,	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
М.Алиева	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
М.Абдураҳманов	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари	208
Г.Исакова	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
С.Қурбонова	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
Н.Ахмаджонов	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
Х.Сотвалдиева	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
Р.Юлдашов	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
М.Рустамов	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
А.Тураханов	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Забардаст туркийшунос олим.....	234
Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....	237

УДК: 37.013.73

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ БУРХАНИДДИНА АЛЬ-МАРГИНОНИ В ОБУЧЕНИИ И ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ

THE ESSENCE OF THE WORKS OF BURKHANUDDIN AL-MARGINANI IN THE EDUCATION OF YOUTH

М.Рустамов¹

¹ **М.Рустамов**

— Фарғона политехника институти, камта ўқитувчи.

Аннотация

Мақолада юртимизда етишиб чиққан буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳаёт фаолияти қисқача ёритилган. Алломанинг “Ал-Ҳидоя” асарлари тарихи ва асарнинг мазмун-моҳиятининг юртимиз ёшлари тарбиясидаги ўрни кўрсатиб ўтилган.

Аннотация

В статье кратко освещена жизнедеятельность великого ученого нашей страны Бурханиддина аль-Маргинони. В ней отражена история, суть и содержание произведения ученого «Аль-Хидоя», а также его роль в воспитании молодежи нашей страны.

Annotation

This article briefly covers the life of the great scientist of our country Burhanuddin al-Marginoni. It reflects the history and significance of the work “Al-Hidoya” in the education of the youth of our country.

Таянч сўз ва иборалар: таълим, тарбия, ёшлар, маънавият, ғоя, илм, дин, ҳалол, ҳаром, сифат.

Ключевые слова и выражения: обучение, воспитание, молодежь, духовность, идея, наука, религия, незапретный, запретный, качество.

Keywords and expressions: education, upbringing, youth, spirituality, idea, science, religion, honest, dirty, quality.

Ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган устувор йўналишларни назарда тутувчи Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури кўрсатиб ўтилган яъни:

➤ юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

➤ ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;

➤ педагог ходимларнинг қадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

➤ ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

➤ ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

➤ ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Буюк фақиҳ Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Рошидоний ал-Марғиноний 1123 йил 23 сентябрда туғилган. У Қуръонни, ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фикҳ — ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада беқиёс дурдоналар яратганлиги тўғрисида Бурҳон уд-дин вал-л-милла ва

Бурхонуддин ал-Марғиноний номлари билан машҳурдир.

Бурхонуддин ал-Марғиноний дастлабки таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Мовароуннаҳринг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб борган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган. Мавлоно Бурхонуддин ал-Марғиноний ёшлик чоғлариданоқ Қуръони Каримни ёд олиб, ҳадисларни чуқур ўрганган.

У балоғат ёшига етганида мукаммал илмга эга бўлганига қарамай, устозлардан таълим олишни давом эттирди. 1149 йили Бурхонуддин ал-Марғиноний ҳаж сафарига борди. “Китоб ул-машойих” (“Шайхлар ҳақидаги китоб”) асарида у ўзи таълим олган 40 дан ортиқ шайх ва алломани санаб ўтган. Бу рўйхатда Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Абу ал-Асир ал-Байдавий, Абу Ёқуб ас-Саярий, Абу Исҳоқ ан-Навқадий, Жаъфар ал-Ҳиндувонийларнинг номлари бор.

Кейинчалик у фикҳга оид масалалар билан қизиқиб, ўша даврнинг кўзга кўринган алломаларидан “Ал-Муҳит” (“Илмлар денгизи”) асарининг муаллифи Умар ибн Мааза, “Ал-Фатава ва фавоид аз-Заҳира” (“Фатволар ва зохир нарсаларнинг фойдалари”) асарининг муаллифи Зоҳир уддин ибн Умар ал-қодий ал-Бухорий ибн ал-Итобий ва бошқаларнинг назарига тушган. Бурхонуддин ал-Марғиноний ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиш билан бирга ўзи ҳам фикҳга оид бир қатор асарлар яратган. Бизгача етиб келган асарларидан “Бидоят ал-мунтаҳий” (“Бошловчилар учун дастлабки таълим”), “Кифоят ал-мунтаҳий” (“Яқунловчилар учун тугал таълим”), “Нашр ул-мазҳаб” (“Мазҳабнинг ёйилиши”), “Китоб ул-мазид” (“Илмни зиёда қилувчи китоб”), “Маносик ул-ҳаж” (“Ҳаж маросимлари”), “Мажма ул-навозил” (“Нозил бўлган нарсалар тўплами”), “Китоб ул-фароиз” (“Фарзлар китоби”) ва бошқалар маълум.

Ал-Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бўлган “Ҳидоя” асари 1178 йили Самарқандда ёзилди. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг “Катоиб ул-аълум ал-ахёр фи табоқот фуқаҳо ва ма-шойих мазҳаб ан-Нуъмон” (“Нуъмон мазҳабига мансуб бўлган таниқли аллома фақиҳлар ва шайхлар ҳақидаги китоб”) номли асарида келтирилишича, Бурхонуддин ал-Марғиноний «Бидоят ал-мунтаҳий» асарининг сўз бошисида “Ҳидоя»нинг яратилиши хусусида шундай ёзган: “Абул-Ҳасан Али ибн Бакр Абд ул-Жалил бир куни фикҳ масалаларига бағишланган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги ҳақида фикр билдирди. Ироққа

сафар қилганимда у ерда “ал-Мухтасар ал-қудурий” (“қудурий қисқартмаси”)ни кўрдим. У фикҳ бобида ажойиб асар эди. Бу пайтгача каттаю-кичик барча “Жомеъ ус-Сағир” (“Кичик тўплам”) дан фойдаланган эди. Шунда фикҳга оид барча асарларни жамлаб, улардан энг зарур масалаларни олдим ва бу асарга “Бидоят ал-мунтаҳий”, деб ном бердим. Кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб, уни “Кифоя ул-мунтаҳий” деб номладим”.

Кейинчалик бу асарларнинг ҳам ҳажми катталики қилиб, янада мўъжаз бўлган, бутун ислом оламида ханафия мазҳабининг фикҳ масалаларида асосий қўлланмасига айланган ал-Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асари яратилди. Бу асар бутун мусулмон оламида машҳур бўлиб кетди, мусулмон ҳуқуқи — фикҳ бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар сифатида тан олинди.

“Ҳидоя”нинг асосини фикҳ илми асосчиларидан бўлган Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Абдуллоҳ, Аҳмад ибн Ханбалларнинг йирик асарлари, бу алломаларнинг шогирд ва сафдошларидан имом Абу Юсуф, имом Абу Абдуллоҳ ибн Ҳусайн аш-Шайбоний (имом Муҳаммад), имом Абул-Ҳазл Зуфар ибн Ҳазлларнинг асарлари, дастлабки тўрт халифа ва саҳобаларнинг ривоятлари, улар хабар қилган ҳадислар ташкил қилади. Бундан ташқари, “Ҳидоя”да асосий фикҳий масалаларнинг шарҳи ва ечимида Муҳаммад Баздавийнинг “Мабсут”, ибн Исо ат-Термизийнинг “Жомеъ ул-Кабир” (“Катта тўплам”), қудурийнинг “ал-Мухтасар ал-қудурий” каби асарларига ишора қилинади.

“Ҳидоя”да ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикҳ олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шарҳи ҳам асослаб келтирилади. “Ҳидоя” тўрт жудан иборат бўлиб, биринчи жужга ибодат масалалари киритилган, булар: таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж китобларидир. Иккинчи жужга никоҳ, эмизиш, талоқ, қулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки каби масалалар киритилган.

Учинчи жужда эса олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бировга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқроқ бўлиш, сулҳ, бир ишда пул билан шерик

бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, валийлик (патронат), мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин олган. Тўртинчи жузда эса шафоат, мерос тақсимлаш, деҳқончилик ҳамда боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонликка сўйиладиган жонзод ҳақида, умуман қурбонлик қилиш ҳақида, шариатга зид ёмон нарсалар ҳақида, ташландиқ ерларни ўзлаштириш хусусида, тақиқланган ичимликлар ҳақида, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш, васият каби масалалар ёритилган.

“Ҳидоя” бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, бу ерда 1917 йил инқилобидан кейин ҳам, то 30-йилларгача шариат қозилари бекор қилиниб, совет суд тизими жорий қилингунча амалда бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритадиган мусулмон мамлакатлар ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади. “Ҳидоя”нинг 1893 йилда рус тилида қисқартирилган таржимаси Н.П.Гродеков томонидан нашр этилган.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви туфайли ислом ёдгорликлари, жумладан, шариат, фикҳга оид асарларни ўрганиш, бу соҳадаги бой меросимизни нашр этиш имконияти вужудга келди. Ватандошимиз ал-Марғиновичнинг “Ҳидоя” асари ислом ҳуқуқшунослигида машҳурлигини назарга олиб, Н.И.Гродековнинг инглизчадан русчага қилган ва тор доира учун мўлжалланган “Ҳидоя”нинг 1-китоби Тошкентда 1994 йилда юридик фанлари доктори, профессор, академик А.Х.Саидовнинг сўз бошиси ва шарҳи билан қайта нашр этилди.

Узоқ мусулмон оламида ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган “Ҳидоя” ва унинг муаллифи Марғинович фаолияти ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2000 йилда ал-

Марғиновичнинг 910 йиллик таваллуд санаси кенг жамоатчилик томонидан тантанали равишда нишонланди.

Ҳозирги кунга келиб эса Аъзамхон Қамбаров (бош таржимон), Акмалжон Икромжонов, Илҳомжон Бекмирзаев (тарих фанлари доктори) муаллифлар иштирокида “Ҳидоя” асари 1990 йилда Байрутнинг “Дорул кутуб ал-илмия” нашриётида араб тилида чоп этилган нусхадан илк бор тўлиқ ва тузатирилган ҳолда таржима қилинди.

“Ҳидоя” асарини ўқиш, унинг мазмун-моҳиятини юртимиз ёшлари онгига синдириш ҳар бир таълим-тарбия берувчи шахснинг бурчи бўлиши керак. Юртимизда ёшлар ўртасидаги диний саводсизлик руҳиятини йўқотиш учун ушбу асар қисқа ва тушунарли тарзда ёзилган. Бу асарни ўрганиш билан ёшларимиз ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслик, диний экстремистик гуруҳларга қўшилмасликлари олдини олиш имкони туғилади. Шунингдек, республикамизда ҳамма бирдек курашиб келаётган Порахўрлик (Коррупция) нинг ҳам олдини олиш имконияти яратилган бўлади. “Ҳидоя” асарини ўрганишга киришган ҳар қандай китобхон унинг мазмун-моҳиятини тушуниб бориш натижасида диний саводхонлик, ҳалол яшаш, ватан, муҳаббат, ота-оналарга ҳурмат, оилавий мустақамлик, қариндошчиликда диёнат, савдо-сотикда ҳалоллик ва бошқа бир нечта инсоний сифатлари ортганини ҳис этади. Зеро, янги Ўзбекистон ёшлари ўз тарихини ўрганса, ўзлигини англаб олади ва ривожланиб бораётган фуқаролик жамиятига ўз хиссасини қўша олади.

Хулоса ва тавсиялар. Ҳозирги янгиланаётган Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган ислоҳий ўзгаришлар замонавий ёшлар тарбиясида эътиборни кучайтириш ва бунда халқимизнинг бой маданий-маънавий меросидан фойдаланиш ҳар қачонгидан кўра кучлироқ талаб этилмоқда. Ана шу маънода Бурҳонуддин ал-Марғинович асарларининг бу борадаги аҳамиятини ўрганиш энг асосий мавзулардан биридир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони.
2. Бурҳонуддин ал-Марғиновичнинг “Ал-Ҳидоя” асари.
3. <http://e-tarix.uz/shaxslar/391-margiloniy.html>
4. <https://shosh.uz/mutafakkirlar-burhonuddin-marginoniy-1123-1197>

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).